



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 31 август, № 179 (7137) • Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!
Сизни миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги куни билан самимий муборакбод этаман.

Россияда дўст Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий тараққиёт борасида эришадиган ютуқлар, мамлакатингизнинг халқро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани мамнуният билан эътироф этилмоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик каби эзгу аъёнларга асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилган. Ишончим комил, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муноса-

батларини, шунингдек, минтақавий масалалар бўйича конструктив ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантираёмиз. Бу халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги интилишларимизга ҳамроҳдир.

Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақият, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент жаноблари!
Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт соҳаларида юксак эътирофга сазовор улкан ютуқларни қўлга киритди.

Сиз, Жаноби Олийлари раҳбарлигида амалга оширилган ва салмоқли натижалар бераётган ислохотлар сиёсати алоҳида таъсирга эришди.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётида янги ва янада юксак марраларга эришишига ишончим комил.

Мамлакатларимиз 1992 йилда дипломатик муноса-

батлар ўрнатганидан буён ишонч ва дўстлик тамойиллари асосида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантираётганидан хурсандман. Сиз, Президент жаноблари билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш учун ўзаро мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикасида ташриф билан бўлишга умид қиламан.

Президент жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасида янада раванг тилайман.

Хурмат билан,

МҮН Чжэ Ин,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент жаноблари!
Ўз номидан ва бутун Франция халқи номидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги куни билан Сизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва раванг тилашдан бағоят мамнунман.

Қўп йиллар давомида ҳамкор бўлиб келаётган Франция ва Ўзбекистон муносабатлари янада ривожланиб бораётганини олқишлайман. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳамжи ортаётгани ва стратегик ҳамкорлигимиз диверсификация қилинаётгани баробарида, жорий йилда сиёсий мулоқотимиз янада мустаҳкамланади. Париж шаҳрига бўлажак расмий ташрифингиз давомида Сиз билан учрашувимизни катта мамнуният билан кутаяман.

Ушбу ташриф олдида икки томонлама қўлаб муҳим учрашувлар, жумладан, 20 июль куни савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлиси ўтказилди. Бўлажак олий даражадаги музокаралар ўзаро муносабатларимизни фаоллаштириш ва янада диверсификация қилиш йўллариини муҳокама этиш учун яхши имконият бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатингизнинг Франция учун муҳим бўлган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси билан қўлаб ижозат бергайсиз.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурматини қабул қилгайсиз.

Эммануэль МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини дўст Ўзбекистоннинг мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан муборакбод этиб, Сизга халқингиз орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад тилайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни муштарак манфаатлар йўлида барча соҳаларда мустаҳкамлашга қаратилган

ҳамкорлигимизни қўлаб-қувватлашимни таъкидлайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига янада тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром билан,

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Болгария Республикаси Президенти
Румен Радев

Польша Республикаси Президенти
Анджей Дуда

Португалия Республикаси Президенти
Марсело Ребело де Соуза

Чехия Республикаси Президенти
Милош Земан

Украина Президенти
Пётр Порошенко

Саудия Арабистони Подшоҳи
Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
мудофаа вазири

Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд

Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти
Буннянг Ворачит

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАҚИДА

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма етти йиллиги байрами арафасида халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларни янада юксак намоён

этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ, Фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар фуқаро афв этилди.

Фармонга мувофиқ, 215 нафар шахс жазони ихро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, 46 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 5 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 135 нафарини таъқиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармонга кўра, афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Электрпоезд бир соатда элтади

Энди Қаршидан Китобгача уч марта тезроқ борилади.




Мустақиллигимизнинг қутлуғ 27 йиллик тўйига темирйўлчилар ҳам муносиб тухфа ҳозирлашди.



Қарши — Китоб темир йўл линиясини модернизация қилиш ва электрлаштириш лойиҳаси қисқа вақтда ниҳоясига етказилиб, «Афросиёб» тезюзар поезди Қаршидан Шаҳрисабзга илк қатновини амалга оширди.

БИЗ ва ЖАҲОН



MAQQOM ART INTERNATIONAL FORUM SHAHRISABZ - 2018
WWW.MAQQOMFORUM.UZ

Халқаро мақом санъати фестивали туркияликларда катта қизиқиш уйғотмоқда

Сўнгги йилларда мамлакатимиз янги гоя ва лойиҳалари билан дунё эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 6 — 10 сентябрь кунлари ташкил этилаётган Халқаро мақом санъати фестивали ҳам ана шундай янгиликлардан бири сифатида хорижликлар диққатини тортаяпти.

Хусусан, Туркиянинг «ТРТ» давлат телерадиокомпанияси ва «Анадолу» Миллий ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган I Халқаро мақом санъати фестивали ва унинг доирасида бўлиб ўтадиган халқаро анжуман ҳақидаги қатор хабарлар ёритиб боришмоқда. Таъкидлаш жоизки, «ТРТ» раҳбарияти мазкур тадбирга алоҳида делегация ва суратта олиш гуруҳини йўллашни режалаштирган. Бу эса туркияликларнинг мақомга бўлган қизиқиши юксалигидан далolat беради.

53 та медаль

Бу ҳали якуний натижа эмас.



ASIAN GAMES 2018 | Jakarta Palembang

XVIII Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли одимларини давом эттирмоқда.

Кеча ҳамюртимиз Вадим Меньков 1000 метрга каноэда эшак эшиш бўйича яққалик баҳсларида маррага биринчи бўлиб отиб борди ва мусобақа голибига айланди. Вадимнинг Осиё ўйинларидаги бу тўртинчи олтин медалидир. Бинобарин, у мана шундай юксак натижага эришган ўзбекистонлик илк спортчига айланди. Шу пайтгача тажрибали атлетимиз Доха, Гуанчжоу ва Инчон мезбонлик қилган китъа ўйинларида ҳам муваффақият қозонган эди.

3

Иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади

Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси Зармитан сановат майдонидаги «Ғужумсой» конига қарашли «Б-Г» тик шахтаси фойдаланишга топширилди.

— Чуқурлиги 500 метр, айланаси 6 метр бўлган бу шахта рудани юқорига кўтариб чиқиш ва 2019 йилда «Ғужумсой» конининг 550 минг тонна ҳажмдаги қувватга етказиш имконини беради, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ

Санақулов. — Лойиҳа қиймати 22 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ана шу шахта мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида катта ўрин тутаяди.

Мамадиёр ЗИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ХУШХАБАР

Электрпоезд бир соатда элтади

Энди Қаршидан Китобгача уч марта тезроқ борилади.

Шу муносабат билан Қарши ва Китоб темир йўл станцияларида тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Уларда қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, юк ва йўловчи ташиш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, бундан уч йил аввал "Ағросйоб" теъжорар поездининг

Тошкент — Қарши йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилган эди. Бу билан қашқадарёлик йўловчиларнинг пойтахтга бориб-келиш вақти икки баробар қисқарганди. Эндиликда бундай қулайликдан Китоб ҳамда Шахрисабз аҳоли ва меҳмонлари ҳам фойдаланади. — Ушбу замонавий поездга биринчи бор чиқдим, — дейди йўловчилардан бири Элмурод Хотамов, — 55 дақиқа йўл юрдик. Шу пайтгача бу муддатда

поездда Қаршидан Шахрисабзга келишни тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Қаранг, қисқа давр ичида қанчалик катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб борапти. Буларнинг барчаси истиқлолимиз шарафати, албатта. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юқори тезликда ҳаракатланувчи ушбу электрпоездининг Қашқадарё воҳасининг зийнати бўлиши Шахрисабзгача қатнови йўлга қўйилиши юртимиз туризм салоҳиятини юксалтириш, инвесторларни кенг жалб этишда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, яқинда қадим кентда бўлиб ўтаётган Халқаро мақом санъати анжуманига ҳам хорижий меҳмон ва расмий делегация аъзолари ушбу поездда келадилар. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг тажрибали мутахассислари томонидан умумий узунлиги қариб 124 километрдан иборат бўлган мазкур йўлни модернизация қилиш ва электрлаштириш ишлари тез ҳамда сифатли амалга оширилди. Эътиборлиси, 94 километр масофани ташкил этувчи Тошгузар — Китоб линияси



тўлиқ электрлаштирилиб, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мослаштирилди. Мазкур йўналишда Ғузур, Қамаш, Яққабғ вокзаллари янгитдан бунёд этилиб, темир йўл линиясидаги барча сигналлаштириш ва телекоммуникация тизими модернизация қилинди. Шунингдек, ички қувват манбаи биноси, Қамаш — Яққабғ ҳамда Яққабғ — Танқоз станцияларини боғловчи темир-бетон кўприги, сув ўтказиш сунъий иншоотлари ҳамон талабларига мос равишда барпо этилди. Теъжорар электрпоезд қатновиغا мослаштирилиши муносабати билан тўлиқ модернизация қилинган мавжуд темир йўллар атрофи хавфсизлик темир-бетон тўсиқлари ва ҳимоя панжаралари би-

Сенатор мушоҳадаси

Бугунги кунда турли соҳалар ва давлат идоралари ўз фаолиятларини халқ билан муҳокама қилиб, юртдошларимиз фикрлари асосида шакллантирилиши амалиёти йўлга қўйилди. У қонун, кодекс, қарорлар ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бўладими, ундаги масалалар, янгиликларни ўзгаришлар халқ муҳокамасидан ўтмоқда. Бу эса ҳар томонлама пухта ва пишиқ, халқ манфаатига хизмат қилайдиган ҳужжатлар татбиқ этилишига имконият яратаяпти.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ШАФФОФЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ҳўш, нега? Сабаби оддий. Барча ишимиз очик ва ошқорра бўлгандагина бизга, қўлаётган вазирамизга ишонч пайдо бўлади. Коррупциянинг олди олинади. Аслида, бюджет жараёнини халқаро мезонлар асосида ташкил этиш, уни кенг жамоатчилик ҳамда аҳолининг барча қатлами учун аник, лўнда ва шаффоф тарзда тақдим этиш бугунги кун талабидир. Халқаро миқёсда қабул қилинган давлат ҳамда жамоатчилик учун молиявий ҳисобот стандартлари қўра, (International Public Sector Accounting Standards, IPSAS) мамлакатнинг давлат ва маҳаллий даражадаги бюджетлари жараёнини очик, ҳамма учун тушунарли тарзда тақдим этиб борилиши лозим.

Президентимизнинг "Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда муҳим қадам бўлди. Ҳужжатга асосан, аввало, бюджетни шакллантириш ва унинг ижросини таъминлаш тартибига келтирилди.

Тан олиш керак, бюджет маълумотларининг ҳозирги кўндалди очиклик даражаси ва сифати, уларни хорижий инвесторларга ҳамда бошқа манфаатдор субъектларга мақбул тарзда етказиш бугунги кун талабларига умуман жавоб бермасди. Айниқса, парламент ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари мамлакатимизда давлат ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, шунингдек, ижро этиш жараёнига зарур даражада жалб қилинмайдиган.

Қарорда маҳаллий бюджет маблагларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри бўйича маҳаллий тадбирларга йўналтиришнинг назарда тутилиши аҳолининг мазкур жараёнларга дахлдорлигини, шу билан бирга, бюджет маблагларидан фойдаланиш самардорлигини оширади. Шунингдек, келгусида халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган Давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари мажбурий тарзда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши ва фақат ижобий жавоб олингандан сўнг қонун билан тасдиқланиши мустаҳкамланди. Бу парламент ва жамоатчилик олди-га янги вазифалар қўяди, бюджет жараёнидаги масъулиятини кучайтиради.

Ҳужжатга мувофиқ, тегишли вазирликларга "Очик бюджет" ахборот порталини яратиш вазифаси юклатилди. Мазкур порталда бюджет жараёни билан боғлиқ ҳисоботлар, назорат этиш натижалари, маҳаллий бюджетларни қўшимча манбалар ҳисобидан молиялаштириш бўйича ахборотлар ва бюджет жараёнини тақомиллаштиришга доир тақдирлар акс эттирилиши жамоатчилик ҳамда

лан ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, газ ва электр ускуналари кўздан кечириляпти, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бош мутахассиси, майор Мурод Қўчқоров. — Агар ускуналарда носозлик, газ чиқиш ҳолатлари аниқланса, муаммо жойида бартараф қилинмоқда.

Шу ўринда айрим эслатмаларни ёдга олсак. Ўзбошимчилик билан уйга газ қувурини тортиш, ускуналарни жойини ўзгартириш, уни янгилаш ва тузатиш, текшириш, дудбурон ва вентиляция тизимларини ўзгартириш, газ ускуналарни яроқсиз ёки носоз бўлганда ундан фойдаланиш, газ плиталарини хоналарни истишда қўллаш, бўш ва суюлтирилган газ баллонларини хонада ҳамда ертўлада сақлаш, иситиш мосламалари ёнида газ баллонларидан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

Хавфсизлик қондаларига амал қилиш яқинларимиз, ўз ҳаётимизни, қолаверса, мол-мулкимизни сақлашда муҳим аҳамиятга эгалигини инобатга олсак, огоҳлик ҳамда ҳўшёрликни янада ошириш фойдаланиш ҳоли эмас.

Бош прокуратура ҳузурдаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Юксак рағбат янги марраларга ундайди

Юртдошларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллигини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олишмоқда. Хусусан, иқтисодий тизим юқори суръатда ривожланишига ҳамоҳанг ҳолда жойларда янги объект ва иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда, кўп қаватли уй ва ҳовлилар атрофи, маҳалла ҳамда гузарлар ораста кўринишга келтирилмоқда. Муҳими, Ватанимиз тинч ва осойишта. Зеро, ушбу икки нызмат бор жойда тараққиёт ҳамда юксалиш бардавондир.

Шерзод НАБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиб:

— Охириги икки йилда ички ишлар органларига оид 80 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди, улар асосида тизим фаолиятини янада тақомиллаштириш, тарқибий тузилмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва хизматни тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Ана шу жараёнда камтарона меҳнатим Юртбошимиз томонидан юксак эътироф этилганидан беҳад мамнунман. Бундан кейин ҳам жойларда жиноятчилик ҳолатларини камайтириш, одамларда уларга қарши муросасиз қайфиятни шакллантириш борасидаги фаолиятимизни янада кучайтиришга, айниқса, давлатимиз раҳбари раислигида 27 июлда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросига бор куч-ғайратимиз ва билимимизни сарфлаймиш.

Нодирбек САЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Божхона тўловлари бўлими бошлиги, "Шухрат" медали соҳиб:

— Президентнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, бартараф этиш, тадбиркорлар учун қулай шaroит яратиш, божхона қонунчилигини бугунги талаблар асосида тақомиллаштириш, унинг оддий ва содда халқ тилида бўлишини таъ-

минлаш, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, хавфни бошқариш тизимини кенг қўллаш ҳолда, шаффоф божхона маъмуричилигини йўлга қўйиш вазифалари белгилаб берилган эди. Ўтган даврда бу борада салмоқли ишлар бажарилди. Натижада ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қатор қулайлик яратилди. Бинобарин, ТИФ қатнашчилари мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутар экан, бундан кейин ҳам уларга енгилликлар яратиш асосий вазифаси бўлиб қолади.

Ҳамкасблар юксак давлат мукофоти билан қўлгаганида жўда қувондим, айнаи чоғда бу зиммаларга масъулиятини оширишини юракдан ҳис этдим.

Лепесбай ЕСЕМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлигининг ўринбосари, "Шухрат" медали соҳиб:

— Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Бунда прокуратура ходимлари ҳам ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиляпти. Айни пайтда ишга ёндашуви-миз ҳам, фаолиятга бўлган муносабат ҳам тамомолай янгиланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан прокуратура тизимига татбиқ этилган янгича ғоялар ўз самарасини бераётди.

Ушбу жараён биз, прокуратура ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бундан кейинги фаолиятимизда ҳам Ватанимиз раванқий йўлида сидқидилдан хизмат қилишга интиламиз.

«Халқ сўзи» мухбири Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзиб олди.

ТУХФА

«Шинам уйда яйраб яшаймиз»

Қўштепа туманида 5 та кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилага янги уй-жойлар қалитлари топширилди.

— Турмуш ўртоғимнинг кўзи ожиз, узок йиллар 15 нафар қариқошим билан "дўппидек" ҳовлида истиқомат қилдик, — дейди янги хонадон соҳибаси Муҳаббатхон Ҳамдамова. — Бу эса жўда қўлбал нуқулалликларга сабаб бўларди. Энди янги уйда яйраб яшаймиз, янги кўнларимизни нишонлаймиш.

— "Халқрўб" маҳалла фуқаролари йиғинида 4 оила бир ҳовлида истиқомат қилганмиш, — дейди янги уйга эга бўлганлардан яна бири Гаваҳрой Саидалиева. — Турмуш ўртоғим Қодирали Саидалиев иккинчи гуруҳ ногирони. 19 йилдан бўён чеварлик билан шуғулланаман. Ёрдан тарикасида тикув дастгоҳларини беришди, ўзимизда ҳам бир неча турдаги тикув машиналари бор. Турмуш ўртоғим билан буюртма асосида эркаклар ва аёллар кўйлақларини тикамиш. Насиб этса, ҳамма шароитлари муҳайё ушбу хонадонда иш унумдорлигимиз икки ҳисса ортади.

Мустақиллик байрами арафасида имконияти чекланган юртдошларимизга янги хонадонларнинг топширилиши ҳақиқий тухфа бўлди. Жорий йил сўнгига қадар Қўштепа туманида яна унта оила уй-жой билан таъминланиши кўзда тутилган.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг жорий йил 28 августдаги Фармони билан шу эзгу ишда фидойилик намунасини кўрсатган қатор юртдошларимиз, жумладан, ҳуқуқни муҳофизат қилиш органлари, мудофаа ва фавақулдада вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Бу уларга чекисиз қўлағ бағишлади. Буни қўйдаги дил сўзларидан ҳам билиш мўкин.

Убайдулла МИНҒОБОВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиб:

— Бугунги кунда Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода "Адолат қўрғони"га айлантириш чоралари кўриломоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиши бу борадаги муҳим қадам бўлди. Мазкур тузилма судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тўздан тақомиллаштириш ҳамда маҳаллий судьялар корпусини шакллантиришда катта ўрин тутмоқда. Бу жараёнда соҳага доир ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ҳар бир судьянинг онги ва қалбига етказиш

бўйича ҳам иш олиб бориляпти. Зеро, суд корпуси халқимиз дарди билан ашаб, улар ишончини қозонмас экан, судьялар фаолиятда самара бўлмайди.

Мазкур давлат мукофотини тизим ходимларига берилган баҳо ва айни пайтда рағбат, деб биламан. Шу маънода, фаолиятимизни янада кучайтириш орқали халқимизнинг судларга бўлган ишончини ошириш бурчимиздир.

Дилража ГАЗБАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлигининг ўринбосари, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиб:

— Мамлакатимиз ҳар томонлама тараққиёт этиб бормоқда. Буларнинг замирида тинчлик ва осойишталик, деб аталган нызмат муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган барчага аён. Шу боис ҳам мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлигини қафолатлаш Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган тўла ислохотларнинг асосий йўналишларидан бўлиб келмоқда. Бу шарафли ва эзгу ишда бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари қаторида Миллий гвардиянинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганимизни эшитиб, жўда севиным. Албатта, бу барча ҳамкасбларим фаолиятига

«Зангори олов»: ХАВФСИЗЛИК ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон дунёдаги табиий газ қазиб олувчи давлатлар орасида саккизинчи, МДХ мамлакатлари ичида учинчи ўринда туради. Ҳозирги кунда иқтисодий тизимнинг энг катта тармоқларидан ҳисобланган нефть-газ соҳаси мамлакат ЯИИМдаги улшнинг 15 фоизини ташкил қилмоқда.

шунсак-да, баъзида эҳтиётсизлик ва бепарволик туфайли ана шундай янгли манзаралар юзага келади. Ҳўш, нега табиий газдан фойдаланишдаги техник хавфсизлик қондаларига амал қилиш бу қадар долзарб масалага айла-

ниб қолди? Бу саволнинг жавобини топиш учун рақамларга мурожаат этамиш. "Ўзтрансгаз" АЖ маълумотларига қўра, ўтган йили содир бўлган фавақулдада вазиятларнинг 12 фоизини ис газ ва ҳаво-газ аралашмаси билан боғлиқ ҳолатлар ташкил қил-

ган. Бунинг оқибатида 48 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди ва яна кимлардир бошпанасиз қолди. Сабаби эса оддий: истеъмолчиларнинг эҳтиётсизлиги ҳамда хонадонлардаги газ плиталарининг носозлигидир. Кўриниб турибдики, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп.

Айни пайтда "Ўзтрансгаз" АЖ республика миқёсда 2 миллион 783 мингдан ортик хонадонларга 3 миллион 353 минг куб метр табиий газни узулсуз, хавфсиз ва замонавий техник талаблар доирасида етказиб бераётди.

— Ҳозирги кунда республика-миз бўйича 100 минг километр-дан зиёд газ қувурлари мавжуд, — дейди "Ўзтрансгаз" акциядор-лик жамияти саноат хавфсизли-ги муҳандиси Алишер Машрабов. — Ғазни қайта ишлаш, етказиб бериш жараёни анча мураккаб. Ўзгина эҳтиётсизлик газ аралаш-

масининг портлаши, ёнгин каби турли кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мўкин. Шу боис ишчи-ходимларимиз томонидан ҳар йили зарур эҳтиёт чоралари кўрилади. Хусусан, 1345 кило-метр узунликдаги магистраль газ қувурлари тозаланади. 1639 кило-метр масофадаги магистраль газ қувурлари диагностика қили-нади ва аниқланган камчиликлар бартараф этилади. Бундан таш-қари, 7850 километр узунликда-ги қувурлар босим остида син-алиб, 5700 километрга яқин за-



«Ўзтрансгаз» АЖ томонидан республика бўйича

2 миллион 783 мингдан ортик хонадонларга

3 миллион 353 минг куб метр табиий газ узулсуз етказиб берилмоқда.

2017 йил давомида содир бўлган фавақулдада вазиятлар

12 фоиз



ис газ



ҳаво-газ аралашмаси



"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти истеъмолчиларни узулсуз табиий газ билан таъминлашга, уни мамлакат бўйлаб минглаб километрлик қувурлар орқали белгиланган талаблар асосида ва ўз вақтида етказиб беришга масъул бўлган идора ҳисобланади. Аҳолининг "зангори олов" билан таъминланиш ҳолати қандай? Фуқаролар газдан фойдаланишда хавфсизлик қондаларига қанчалик риоя қилишяпти? "Газ сизиб чиққани учун чироқ ёқилганда уй портлаб кетибди" деган гаплар қўлоғимизга қалинб туради. Унинг аянчли оқибатлари ҳаммамизга яхши маълум. Буни онгли равишда ту-

53 та медаль

Бу ҳали якуний натижа эмас.

1 Канозда эшак эшиш бўйича аёллар ўртасида 500 метр масофада ўтказилган беллашувларда Дилноза Раҳматова ва Нилуфар Зокирова тандеми кумуш медални қўлга киритди. Канозда 1000 метрга эшак эшиш йўналишида қатнашган Нурислому Тўхтасин ўғли ва Серик Мирбеков жуфтлиги ҳамда худди шу масофани қайиқда босиб ўтган Шахриёр Маҳамов ва Шоҳруҳбек Аъзамов бронза медалларига сазовор бўлди.

Ўзбек кураши бўйича мусобақаларни барча катта қизиқиш билан кузатмоқда. Мазкур спорт турига бўлган иштиёқ қитъамизда низоҳатда қучайганини мусобақаларнинг кўсини ва мурасимсиз кечяётганидан ҳам билиш мумкин. Шунга қарамай, вакилларимиз

бу борада етакчи эканликларини исботлашмоқда. Жумладан, 90 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги финалда икки ҳамюртимиз қатнашди. Унда Шермуҳаммад Жандреев Яхё Имомовни мағлуб этиб, олтин медалга эга чиқди.

Қизлар ўртасида Кумуш Юлдашева ҳам (-78 кг.) ҳал қилувчи баҳсда мўғулистонлик Мункисетсег Отгонга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Бир кун олдин 63 килограммгача бўлган вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Дилдор Шерметова ҳам финалда мўғулистонлик Баярбат Басанжаргал устидан зафар қучиб, Осиё ўйинлари чемпиони, деган шаарафли номга сазовор бўлганди. Мухлиса Абдумаликова (-63 кг.) ҳамда Сарвар Шомуродов (-81 кг.) бронза билан чекланди.

Курашчиларимиз анъанасини дэюдочилар давом эттиришга ҳаракат қилишди. 29 август кун мазкур спорт тури бўйича 60 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган вакилимиз, Рио Олимпиадаси совриндори Дибрбек Ўрозбоев финалда япониялик Тору Шишимени мағлуб этди.

Кеча татамига чиққан Гузал Матниёвовага (-70 кг.) эса яқунда бронза медални насиб этди.

Енгил атлетикачиларимиз голиб ва совриндор бўлишда полвонларимиздан асло қолишмаяпти, ҳатто рекорд ҳам ўрнатилмоқда. Гап шундаки, баландликка сакраш баҳсларида Светлана Радзивил 1,96 метр натижа билан нафақат шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди, балки Осиё ўйинлари рекордини ҳам



янгилади. Яна бир вакилимиз Надия Дусанова эса 1,94 метр баландликни забт этиб, иккинчи бўлди. Уч хатлаб сакраш бўйича эса 16,62 метр курсатки қайд этган Руслан Қурбонов терма жамоамиз

ҳисобига навбатдаги кумуш медални қўшиб қўйди. Эйтиборлиси, у мазкур йўналиш бўйича Осиё ўйинларида совриндор бўлган биринчи ўзбекистонлик спортчиға айланди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз делегацияси ҳисобидаги жами медаллар сони эндиликда 53 тага етди (15 та олтин, 19 та кумуш ва 19 та бронза). Бу орқали Ўзбекистон спорт делегацияси медаллар таркиби бўйича ҳозирданок Осиё ўйинларидаги рекордини янгилади. Ҳали олдинда бокс, самбо ва спорт турларида ҳам медаллар қўтилиётганини ҳисобга олсак, ушбу натижа янада яхшиланиб, медаллар сони бўйича ҳам рекорд қайд этилиши шубҳасиз.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 23 июндан 29 июнгача бўлган МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 4-мб-сон "2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорнинг 99-иловаига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 23 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-3. (2018 йил 25 июндан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 14 июндаги 102, 200-В-2-сон "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини еттиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ ҳўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 23 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1049-2. (2018 йил 25 июндан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 331-мх-сон "Маълумий давлат ҳўқимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳўқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 25 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-5. (2018 йил 25 июндан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 01-02/13-37-сон "Божхона қўмитасининг тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-2. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 19, 8-2018-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлиналарида яқуний давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича йўриқнома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 26 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3026. (2018 йил 27 июндан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 19 июндаги 103, 19/4-сон "Тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар — қарздорларнинг Ўзбекистон Республикаси кафолати бажарилган қарзларининг ҳисоби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1276, 2003 йил 25 сентябрь).

2018 йил 27 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1276-1. (2018 йил 27 июндан қучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2018 йил 27 июндаги 336-мх-сон "Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ақли органга тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 27 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3027. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 2018-55, 6, 08/24-сон "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" таъминоти бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1831-7, 2017 йил 9 август), (рўйхат рақами 1831-6, 2017 йил 7 ноябрь).

2018 йил 29 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2955-1. (2018 йил 2 июндан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/20-сон "Тижорат банкларида касса ишлари ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташкил этиш бўйича қўшимча тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор, шунингдек унга ўзгаришлар ва қўшимчаларни ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 29 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-7. (2018 йил 2 июндан қучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон "Тижорат банкларида касса ишлари ташкил этиш, нақд пул ва бошқа кимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 29 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028. (2018 йил 2 июндан қучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/8-сон "Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2944-1, 2018 йил 2 июндан қучга кирди).

2018 йил 29 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2944-1. (2018 йил 2 июндан қучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон "Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 29 июндан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029. (2018 йил 2 июндан қучга кирди).

12. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини еттиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари учун кимё саноати корхоналарининг қишлоқ ҳўжалик корхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1049, 2001 йил 16 июль), шунингдек, унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 1049-1, 2009 йил 23 сентябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 23 июндаги 330-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг "Тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар — қарздорларнинг Ўзбекистон Республикаси кафолати бажарилган қарзларининг ҳисоби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1276, 2003 йил 25 сентябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 27 июндаги 336-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ақли органга тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2652, 2016 йил 26 декабрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 27 июндаги 336-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" таъминоти бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2955, 2017 йил 11 декабрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 29 июндаги 337-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг "Тижорат банкларида касса ишлари ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташкил этиш бўйича қўшимча тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 1831-7, 2017 йил 9 август), (рўйхат рақами 1831-6, 2017 йил 7 ноябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 29 июндаги 338-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг "Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2944, 2017 йил 8 ноябрь).

Адлия вазирлигининг 2018 йил 29 июндаги 340-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳўжатлар қўнунчиликка ўзгариш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, азиз сиймолар хотирасини эъзозлаш, маданиятимиз, санъатимиз ва адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган аждодларимиз фаолияти, уларнинг бой маънавий меросини тадқиқ этиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Мангуликка муҳрланган эҳтиром

31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини деб белгиланиши, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонднинг ташкил этилиши, Тошкентда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасининг барпо қилиниши, шунингдек, мустақиллик даврида рўй берган иқтисодий, сийсий, маданий жараёнларни аниқлаш, қатағон сийсатининг мусбатлиги оқибатларини ўрганиш, уларни музей экспозициясида намойиш этиш орқали ўзбекистонликларни Ватан ва халққа муҳаббат, мустақиллик даври қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг яратилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Таъкидлаш жоизки, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи миллий маънавиятимизнинг юксалишида тарихий аҳамиятга эга бўлган маънавий масканлардан биридир. Унинг илмий концепциясида асосида яратилган экспозицияда Ўрта Осиё (Туркистон)нинг чор Россияяси томонидан босиб олинган даврда тортиб, буғунги кунгача бўлган давр воқеалари 10 та бўлиб орқали намойиш этилган. Масалан, биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихига бағишланган бўлиб, унда юрт мустақиллиги, эрки ва озодлиги учун курашлар давомида шаҳид кетган халқимизнинг минглаб ватанпарвар ва фидойий фарзандлари хотираси акс этган. Умуман олганда, истиқлол йўлида жонини қурбон қилган аждодлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни кўрсатиш, улар хотирасини абадийлаштириш муҳим экспозициясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўтган йили эса музей тарихида яна бир муҳим воқеа содир бўлди. 2017 йил 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев музейга ташириб буюриб "бу музей музейларнинг музейи" дея унга юксак баҳо берди. Бу каби музейлар ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши кераклигини таъкидлаб, унинг фаолиятини тақомиллаштириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда айнан олий таълим муассасалари тузилмаларида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш тақлифини берди.

Мазкур тақлиф асосида 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва худудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил

этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди ва музей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказилиб, фаолияти янада кенгайтирилди ва тақомиллаштирилмоқда.

Мазкур қарорга биноан вилоятларда бирин-кетин худудий Қатағон қурбонлари хотираси музейлари очилди. Ушбу музейлар негизда вилоятлар бўйича қатағон бўлган шахсларнинг фожиали тақдирини ўрганиш, ҳаққоний тарихий ёшларга тақдирини борасида ўта муҳим тадқиқотлар, изланишлар олиб боришмоқда. Биргина Фарғона вилояти мисолида қарадиган бўлсак, у ерда 10 минг 179 нафар қатағон қурбонлари аниқ-лиганиб, уларнинг 200 нафари тўғрисидаги маълумотлар, суратлар, буюмлар музейга қўйиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Бундан ташқари, уларнинг хотирасига бағишланган 65 дан зиёд илмий, адабий, бадиий китоблар тўпланди, электрон версиялари тайёрланди. Қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумот ҳамда ҳўжатларни илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида ҳўқоқ қилувчи китоблар, кинофильмлар яратиш, мактабларда музейнинг филиалларини ташкил этиш борасида ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шубҳасиз, худудий музейлар ҳам ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат туйғуларини қучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ёруғ ва дориламон кўнлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, тинч ҳамда осоийшта замоннинг қадрига етиш, шуқоналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига қорлайди. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбида мангу яшайди.

Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Халқаро мақом санъати фестивали туркияликларда катта қизиқиш уйғотмоқда

1 Фестивалда иштирок этиш учун Ардахан университетининг макомчилар гуруҳи, анжуманда қатнашиш учун эса Истанбул университети мусиқа илмий тадқиқотлари маркази эксперти В. Сумит Ўзбекистонга ташириб буюришни режалаштирган.

Туркия давлат телерадиокомпаниясининг махсус ижодкорлари гуруҳи Ўзбек мақом санъати мактаби ҳақида курсатув тайёрлаш ва уни кенг оммага намойиш этишни мақсад қилган. Курсатув учун юртимиз ва хорижда танилган санъат намояндalари, жумладан, Юнус Ражабий сулоласи вакиллари, Муножаат Йўлчиева, Дуторчи қизлар мақом ансамбли ва бошқа ижод аҳли вакиллари интервюлар олинди. Шу билан бирга, курсатувда бутунги кунда миллий санъатимиз, хусусан, макомчилик мактабининг ривож бўйича олиб борилаётган давлат сийсатини амалга ошираётган ташкилотлар мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари ҳам акс эттирилиши кўзда тутилган. Туркиялик мутахассислар шу мақсадда Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларига ташириб буюриб, махсус дастур учун материал тўплайдилар.

"ТРТ" давлат телерадиокомпанияси бошқаруви кенгаши аъзоси Муножаат Аҳиш Халқаро мақом санъати фестивалининг очилиш маросимиде иштирок этиш учун Туркиядан келаятган делегация вакили сифатида ўз фикрлари билан ўртоқлашди:

— Туркий халқларнинг, айниқса, Ўзбекистон маданий мероси, ҳақиқатан ҳам, жуда бойдир. Аждодларимиздан барчамиз учун қолдирилган ижод маҳсулларини баҳолашнинг имкони йўқ. Буюқ тарихимиздан муҳташам обидалар, гузал асарлар, оҳанрабо куйлар қолган. Қадим-қадимдан юракларини ўртаб келаятган "Муножат" каби дилларни сел қилувчи наволарни ҳали-ҳануз дунё халқлари севиб тинглайди. Мақом санъатининг гултоғи бўлган "Шашмақом"нинг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ва унинг репрезентатив рўйхатига киритилгани ҳам беиз эмас.

Дарҳақиқат, макомнинг ҳар бир куйи қалбларнинг энг мудроқ ҳисларини ҳам уйғотиб юборди, хотиралар қаттида қолган дамлари ёдга солди, ўйлантиради, янгидан-янги ишларга илҳом беради. Мақом санъатининг нозик сирларини аниқлаш, унинг қадрига етиб келб жaxon афкор оммасига тарғиб қилишда муҳим оидим ташлабган Ўзбекистон Президентига бундай гузал ташаббус учун самимий миннатдорлик билдираман. "ТРТ" рақабарияти Ўзбекистон етакчисининг Халқаро мақом санъати фестивали ва анжумани билан болаш ташаббусларини юқори баҳолайди. Мазкур ташаббуснинг аҳамиятини кенг оммага етказишда ҳамкорлик қилиш ва қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдиради. Ўзбек мақом санъатини илгари суриш йўли билан бутун ЮНЕСКО манфaатларига мос келадиган иш бажарилмоқда.

Биз қадрдон ва қардош Ўзбекистонга, бирдор ўзбек халқига бундай самовий ниятларининг қўтилганидан ҳам зиёдаси билан амалга ошишини тилаб қоламиз.

"Дунё" АА. Анқара

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ООО «Butlash Garant Servis» предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный МС-200

Технические характеристики: МС-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики: СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А. Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Барча лойиҳа корхоналари раҳбарлари диққатига!

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
Тошкент шаҳар минтақавий филиали

Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Богиншамол кўчаси, 282-уйда ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН БАНК ФИЛИАЛИ биносининг лойиҳа-смета ҳўжатларини тайёрлаш бўйича таплов Эълон қилади.

Таклифлар 2018 йил 12 сентябрь кунини соат 17.00 гача қабул қилинади.

Телефонлар: (0-371) 150-77-02, (+99898) 115-07-34.

Тошкент молия институти ректорати ва қасаба уюшмаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доцентни Илёс Очиловга онаси Зарбуви ОЧИЛОВАнинг вафоти муносабати билан қучур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

Жамила ЭРҒАШЕВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг онла аъзолари ва яқинларига қучур ҳамдардлик билдиради.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz



**«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ
ва «SFI Management Group» МЧЖ ХК
жамоалари**

*Ватанимиз тараққиёти, юрт ободлиги,
эл фаровонлиги гарови бўлган энг азиз байрамимиз*

**Мустақиллигимизнинг
27 йиллиги**

*билан барча ватандошларимизни
қизғин табриқлайди!*



*Юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик тилаб, буюк ва муқаддас
мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги
масъулиятли фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз!*



**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси
қадрли юртдошларимиз ва банк мижозларини
бетакрор айём —
Мустақиллик куни
билан самимий қўтлайди!**

*Шундай қувончли дамларда барчага омонлик, бахту саодат,
оилавий хотиржамлик ҳамда озод Ўзбекистонимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида
улкан муваффақиятлар тилайди.
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*



Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz


Хизматлар лицензияланган.

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати»
акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси**

**ватандошларимизни азиз ва ягона, жонажон
Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 27 йиллик айёми
билан чин дилдан муборакбод этади!**

*Йилдан-йилга урлаб-яшлаб, тараққий этиб бораётган Ватанимизнинг
бўғин ҳўғини замонавийлаштириб, халқимизнинг бой маданий ва маданий
мероси сақланган ҳолда, янада бойлиқда, нуфусийларга қараб қилинган
ғамхўрлик кенг қўл очиб, ён авлоднинг ёрқин келажакка бўлган қатъий
ишончи мустаҳкамлашиб бораётган. Ҳўқароларимиз фаровонлиги ортиб,
ҳар бир хонадонда тинчлик-хотиржамлик ҳўқи суғулмоқда.
Ўзбекистоннинг исбихболли суверенитети ва мустақиллиги йўли ёрқин,
осмони мўсаффо бўлсин!*

*Бахт, омад ҳамда тўқин-сочинлик ҳар бир халқимизнинг
йўлида айлансин!*



**«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
Миллий авиакомпанияси**

**АВИАЦИЯ КЕРОСИННИ ХАРИД ҚИЛИШ
бўйича танлов эълон қилади.**

Танлов комиссияси ишчи органининг номи:
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси
дирекцияси, ЕММ таъиноти бўлими, Тошкент шаҳри,
100060, Амир Темур шоҳқўчаси, 41-уй.
Тел./факс: (+99871) 140-46-24, 140-47-31.
E-mail: kazim.ahmedov@uzairways.com

Танлов мавзуси — техник топшириққа мувофиқ,
фўқаро авиацияси ҳаво кемалари реактив
двигателлари учун 50 000 тонна миқдорда авиация
керосинини харид қилиш.

Тўлов шартлари: шартнома кўчга қирган санадан
эйтиборан 10 банк куни давомида етказиб бериш
ойлик нормасининг 15 фоизидан 50 фоизгача
олдиндан тўлов, қолган сумма товар етказиб
берилганидан сўн 30 банк куни мобайнида. Мўқобил
тўлов шакли (100 фоиз олдиндан тўлов, аккредитив ва
ҳўқазо) қабул қилинмайди.

Етказиб бериш шартлари ва муддати: DAP
Ўзбекистон чегараси (ИНКОТЕРМС-2010) олдиндан
тўлов вақтидан узоғи билан 30 календарь куни
давомида.

Максимал қўямати — 45,0 млн. АҚШ доллари.
Йўриқнома: Танлов комиссияси ишчи органидан
ёзма сўровнома бўйича бегараз асосда олиш мўкин.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг
охирги муддати — 2018 йил 28 сентябрь
Тошкент вақти билан соат 17.00.
Танлов ўтказиш санаси —
2018 йил 4-5 октябрь кунлари.

АВИАКОМПАНИЯ
WWW.UZAIRWAYS.COM САЙТИДАН
МАҲАЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚАТНОВЛАРГА
ЧИПТАЛАРНИ ОНЛАЙН СЌТИБ ОЛИНГ.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нўсхала босилди,
ҳўжми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳўси келишилган нарҳда.

Газетани ҳўқиди маълумотларни қўлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхўна (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тазҳириятта келган қўлаб-маълумотларни тақрир қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунали
расмийлаштирган ташкўлот жавобгар.
Газета тазҳирият компьютер марказида терали ҳамда оператор
А. Исмомлов томонидан сўзифалади.
Газетанинг полиграфик жўхатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахўна телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мўсахўдў — С. Исломов.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахўнаси, Корхўна манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.15 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қўнўчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси